

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

## ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ХУДУДЛАРНИНГ ЯШИЛ ОЛАМИНИ БОЙИТИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ҚАДАМ ТАШЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни «Яшил макон»  
умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида иштирок этиб,  
Миллий дендрология боғини барпо этишга старт берди.**

Дунёнинг экологик манзараси мураккаб-лашиб бораётганига кўникаётганлар бор. Бу борадаги муаммоларни ҳал этишга ҳар томонлама ҳаракат қилаётганлар қанча. Бу йўналишдаги уринишларда халқнинг қадриятлари ва замонавий ёндашувлар уйғунлашса натижа қўтилганидек бўлади.

Шу нуқтага назардан, халқаро экспертлар Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини алоҳида эътироф этмоқда. Бу шунчаки кўчат экиш кампанияси эмас, балки келажак авлодлар учун муносиб яшаш муҳитини яратишга қаратилган стратегик дастурлигини таъкидлашарди.

Президентимизнинг жорий йил 25 мартда имзоланган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазкур тизимни сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқади. Хўжат ҳудудларнинг нафақат манзарали қиёфасини, балки соғлом экологик ҳолатини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Фармонга кўра, яқин истиқболда республиканинг барча ҳудудларидаги маълум майдонларда ботаника ва дендрология боғлари ташкил этилиши белгиланди. Бу ҳеч муболагасиз мамлакат экологик харитасида туб бурилиш ясади. Бу каби ихтисослаштирилган боғлар шунчаки дам олиш маскани эмас, балки шаҳар ва қишлоқларимизда «табиий филтёр» вазифасини ўтади.

Давлатимиз раҳбари «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирда нутқ сўзлар экан, халқимиз азал-азалдан Наврўз кунларида, оиласида фарзанд туғилганда томорқасига, майдон ва хиёбонларга, йўл четларига яхши ниёт билан кўчат қадаб, гулу райхонлар экканини таъкидлади.

Ана шу эзгу қадриятлар замирида сўнгги беш йилдан бун «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилиб, ҳар йили 200 миллион туп кўчат экиб келинмоқда.

Халқимиз тафаккурида дарахт экиш оддий меҳнат жараёни эмас. Бу келажакка қўйилган маънавий имзо саналади. Бу билан «Яхшидан боғ қолади» деган ибратли мақсад фарзандлар онгига янада мустаҳкам жойлашади.

«Яшил макон» лойиҳаси ана шу кўхна қадриятларимизнинг замонавий ислохотлар билан қоришиб кетган бир кўриниши бўлмоқда. Ҳар бир экилган ниҳол табиатга яна бир умр бахшида этади. Ҳар бир кўчат юртдошларимизнинг она заминга бўлган чексиз муҳаббати ва масъулияти ифодаси бўлади. Худудларда янги барпо этилаётган дендрология боғлари эса бу эзгу анъана-

ларни илмий асосда асрларга муҳрлайди.

Зеро, бугун заминга қадалган ҳар бир новда эртага юртимиз фаровонлиги, халқимиз саломатлигига хизмат қилади. Бу эса «Яшил макон» гоёсининг нафақат экологик, балки юксак инсонийлик ва маънавий аҳамиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўтган даврда 2 минг гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парклари, 47 та массивда «Янги Ўзбекистон боғлари» барпо этилди. Республиканинг тоғ, чўл ва адир ҳудудларида 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди. Оролнинг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда яшил қопламали ҳимоя ўрмонзорлари яратилди. Шамол ва қум-чанг бўронлари зарари тасирининг олдини олиш мақсадида 33 та туманда 60 километрли «яшил белбоғ» ҳосил қилинди.

Ўтган йили Хўжайли, Янгибозор, Гиждувон, Балиқчи ва Оҳангарон туманларида йилига 5,5 миллион туп манзарали дарахт кўчатлари етиштириш имконини берадиган замонавий кўчатхоналар ишга туширилди. Шунингдек, чўлланишни камайтириш мақсадида Хитой тажрибаси асосида жорий йил илк бор Арнасой, Қорақўл, Муборак, Қармана ва Нукус туманидаги 50 гектар майдонда сувсизликка чидамли галофит боғлари яратилди. Таъкидланганидек, бу ерда етиштирилган галофит уруғлари келгусида минглаб гектар ерларда шўрланишни камайтириш ва туپроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Умуман, қисқа даврда республикада яшиллик даражаси 8 фоиздан 14,2 фоизга ошди. Ўтган ҳафта Президентимиз имзоланган янги фармонга мувофиқ, 2030 йилга қадар мамлакатимизда умумий яшиллик даражасини 30 фоизга, жон бошига тўғри келадиган яшил ҳудудларни 10 квадрат метрга етказиш бўйича катта марра белгиланди.

Шу мақсадда Сурхондарёда 10 минг гектарда «яшил макон», Сирдарёда 84 километрли «яшил девор» барпо этилади. Қорақалпоғистонда 1 миллион гектар, Навоий ва Бухорода 300 минг гектардан, Хоразмда 85 минг гектар чўл ҳудудида янги ўрмонзорлар яратилади. Шунингдек, вилоят ҳокимларининг ҳар бири камида 100 гектар майдонда ботаника ва дендрология боғлари, 20 тадан соя-салқин сайр кўчалари ташкил қилишга масъул бўлади.

Экология ва аҳоли саломатлиги энг долзарб масалага айланиб бораётган ҳозирги шароитда худудга мос дарахт турларини танлаш ва екишда Халқаро молекуляр аллергология марказининг тавсиялари ҳам муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Жорий йилдан ҳар бир хулудда «яшил» техникумлар фаолияти йўлга қўйилиб,



дуал таълим асосида йилига 10 минг нафар мутахассис тайёрлаш бошланади. Ботаника ва дендрология боғлари ушбу техникум ўқувчилари учун амалиёт базасига, илмий ҳодимлари учун эса тадқиқот майдонига айланади.

Президентимиз худудларда яшил боғлар яратиш бўйича аҳоли ва депутатлар иштирокини янада кенгайтиришни таклиф қилди. Илгари «Менинг боғим» дастури доирасида ҳар бир лойиҳага бюджетдан 250 миллион сўмгача маблағ берилган бўлса, энди бу миқдор 400 миллион сўмга оширилади. Ҳар бир яшил боғ ва жамоат парк учун аҳоли ўзи танлаган, яшаш ҳудудларига яқин ва энг муҳими, сув таъминоти мавжуд жойлардан 1 гектаргача ер ажратилади. Бу йилги мавсумдан Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутати ҳам ўз округида яшил худуд ва яшил боғ яратиши учун 412 миллион сўмдан маблағ берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизда «Яхшидан боғ қолади», «Бир кўчат – минг барака», «Фарзанд кўрсанг, тўй қилсанг, дарахт эк» деган ҳикматли сўзлар бежиз айтилмаганини таъкидлади. Бу каби миллий қадриятларнинг аҳамияти бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан Президентимиз маҳалла раислари, отахон ва онахонларимиз, хотин-қизлар вакиллари ҳамда барча фаолларни жойларда миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларни янада кенг-роқ тарғиб қилишга, клублар ва жамоалар ташкил этиб, ҳар бир кўча, хонадон, йўл бўйларига ниҳол ва гуллар, қир-адирларга дарахт ва буталар экишда бош бўлишга чақирди.

Пойтахтимизда 108 гектар майдонда Миллий дендрология боғи ташкил қилинмоқда. Бу ердаги «Яшил» университет худудида «илм – лойиҳа – амалиёт» занжири асосида барпо этилаётган «in vitro» лабораторияси, доривор ўсимликлар ҳамда уруғчилик ва селекция марказлари ҳам шу йилнинг ўзида ишга туширилади.

Ушбу мажмуалар нафақат кўчат етиштириш маскани, балки мамлакатимизнинг экологик келажакни илмий асосда лойиҳалаштирувчи табиий масканга айланади. Келгусида бу ерда етиштириладиган ниҳоллар табиатнинг турли инжиқликларига ва сувсизликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Боғ яна маҳаллий иқлимга мос, кам сув талаб қиладиган ноёб дарахт турларини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади. Бу эса лойиҳанинг шунчаки

миқдор эмас, балки сифат ва илмий асосланганлик тамойили асосида йўлга қўйилаётганини аналтади.

Президентимиз тадбирда иштирок этган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўрмонлар бўйича форуми раиси Исмоил Белен, форум Котибияти директори Жульет Биао, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси вакиллари ҳамда барча иштирокчиларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Тадбир якунида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокчилар билан биргаликда Миллий дендрология боғининг илк 5 гектар майдонда манзарали кўчатлар эқди. Бу билан бир вақтда республикамизнинг барча худудларида 21 мингга яқин юртдошимиз яна 164 гектар майдонда 88 минг туп кўчат ўтказди.

Бугун кўчатларга меҳр билан сув қуяётган отахонлар, боғ яратишни ҳаётий эҳтиёжга айлантирган ёшлар ва давлат томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор муштарак мақсад йўлида бирлашди. Халқимиз бу эзгу ҳаракат тез орада натижа беришига ишонади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Икром АВВАЛБОВЕВ,  
ЎЗА мухбирлари**

**Ёшлар гоёсига  
катта сармоя:**

**ДАВЛАТ  
СТАРТАПЛАРНИ  
ҚўЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАЙДИ**



**Бу борада тўлиқ  
маълумот олиш учун  
ishonch.uzга ўтинг:**



Яқинда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида журналнинг янги сони тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Сенат аъзолари, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази вакиллари, тадқиқотчилар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий мар-

## ИЛМИЙ НАШРНИНГ ЯНГИ СОНИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

**Бугунги кунда жамиятда инсон қадр ва халқ манфаатларини мустаҳкамлаш  
ҳамда аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш устувор мезонга айланган. «Демократлаштириш ва  
инсон ҳуқуқлари» журнали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний кафолатлаш борасидаги  
миллий амалиёт ҳамда хориж тажрибаларини ёритишни мақсад қилган.**

кази, Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти, Тошкент давлат юридик университети ходимлари иштирок этишди.

– Бугунги кунда журнал нафақат мамлакатимиз, балки хориждаги илмий тадқиқотчилар орасида ҳам ўз ўқувчиларига эга. Нашрнинг 2026 йилги илк сонидан юртимиз зиёлиларининг долзарб мавзулардаги мақолалари билан бир қаторда Боку давлат университетини тадқиқотчисининг мақоласини ҳам нашр этганмиз. Умуман олганда, журналнинг ушбу

сонини 2026 йил – Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йилига бағишланди, – деди бош муҳаррир ўринбосари Азизбек Рамазонов. – Шунга кўра, унинг саҳифаларидан мамлакатимизда маҳалла тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Болалар омбудсмани фаолиятини такомиллаштириш, рақамли дунёда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш каби долзарб мавзулардаги мақолалар ўрин олган.

Журналнинг янги сони тақдимоти нафақат илмий-амалий аҳамияти, балки жамиятда ҳуқуқий онгни юксалтиришга қаратилган долзарб масалаларни қамраб олгани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Тадбир давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва илгари сурилган таклифлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, адолат ва қонунийлик тамойилларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Диёра РАВШАНОВА  
«ISHONCH»**

**Мутолаа**

**ГУЛЛАРИ КЎЗНИ  
ҚУВНАТСА, ИФОРИ  
ДИМОҚНИ ЯЙРАТАДИ –  
ФОТОРЕПОРТАЖ**



**Шу кунларда Андийкон шаҳри  
кўчаларида барқ ураётган минглаб  
павлония дарахтлари ўзининг  
мафтункорлиги, таровати билан  
одамларнинг баҳри дилини очмоқда.**

**Фоторепортажни  
кўриш учун  
ishonch.uzга ўтинг:**



**Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиф сўзни эшитурдин қайтма.****Алишер Навоий****Муҳокама**

Бухоро вилояти педагогик маҳорат марказида бўлиб ўтган йиғилишда 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши таҳлил қилиниб, 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномасини қабул қилиш масаласи кенг муҳокама этилди.

## ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МЕЗОНИ

Марказ директори ҳамда бошланғич касба уюшмаси кўмитаси раис томонидан тақдим этилган ҳисоботларда жамоа шартномасида белгиланган вазибалар қай даражада бажарилгани атрофлича баён қилинди. Хусусан, жамоа шартномаси доирасида ходимлар учун қулай меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Бу жамоада ишчанлик муҳити ва касбий фаоллик орттишига хизмат қилгани эътироф этилди.

Муҳокамалар жараёнида 2026-2028 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳаси эътибор марказида бўлди. Унда за-

монавий меҳнат бозори талаблари, педагог ходимларнинг эҳтиёжлари ва таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳисобга олинган ҳолда, меҳнат шароитларини янада яхшилаш, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш, рағбатлантириш, шунингдек, касбий ривожланиш имкониятларини кенгайтириш каби устувор йўналишлар қамраб олинган алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш якунида лойиҳа маъқулланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Лола Жўраева,**

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши бўлим mudiri

## «ҲАР ДОИМ КАСАБА УЮШМА ҲИМОЯСИДАМИЗ»



димлари Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳатларга олиб борилди. Янги ўқув йили бошланиши арафасида кам таъминланган оила фарзандларининг 123 нафарига ўқув-қуроллари олиб берилди. Моддий жиҳатдан қийналган, кўмакка эҳтиёжи бор аъзоларга доимий равишда ёрдам кўрсатилди.

Ҳисобот юзасидан сўзга чиққан иштирокчилар касба уюшмаси кўмитаси раисининг ўтган йилги фаолиятдан қониқиб ҳосил қилишгани, жамоа шартномаси орқали кўплаб имтиёзларга эга бўлиб боришаргани, тегишли қўриқларда ходимлар чиқимдор бўлмаётгани, меҳнат муҳофазасига жиддий эътибор қаратилаётганига тўхталиб ўтилди.

Йиғилиш якунида тегишли муассасанинг 2025 йилдаги фаолияти қониқарли, деб топилди ҳамда 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси маъқулланди.

**Жамшид ЭРТАШЕВ**

«ISHONCH»

Фарғона тумани табиёт бирлашмасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Дастлаб жамоа шартномаси бажарилиши бўйича иш берувчи ва касба уюшмаси кўмитаси раисининг ҳисоботи ахборот учун қабул қилинди.

Таъкидланганидек, ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари амалдаги жамоа шартномаси орқали ҳимоя қилиб келинди. Ходимларнинг 150 нафарга яқини

сўлим сиҳатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлашди. Ишчи-ҳодимларнинг 142 нафар фарзанди оромгоҳларда мароқли хордиқ чиқаришди. Спортни оммалаштириш мақсадида ходимлар ўртасида мунтазам равишда мусобақалар ташкил этилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг!» дастури доирасида 300 нафардан ортиқ табиёт хо-

**Фаолиятга назар**

қўйилган. Компаниянинг касба уюшмасига аъзо бўлиши барча тадбирларнинг жамоавий ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаб, ходимлар орасида бирдамликни янада мустаҳкамлади.

Бугунги кунда вақт энг қиммат ресурслардан бири ҳисобланади. Шу нуқтага назардан ёндашганда, компаниямиз аҳолига максимал қулайлик яратиш, уларнинг вақти ва маблағини тежашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Буюртма асосида курсёр миқдор манзилига етиб бориб, жўнатмани қабул қилади ва уни қисқа муддат – 24 соат ичида белгиланган манзилга етказиб беради. Шунингдек, жўнатма ҳолати ҳақида EMU хабарнома орқали мунтазам маълумот бериб борилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, EMU – замонавий, ишончли ва тезкор курсёрлик хизмати сифатида мамлакатимизда логистика соҳаси ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Энг муҳими, компаниямиз ўз фаолиятида «Аҳоли ишончи – муҳим қадрият» тамойилига амал қилиб келмоқда.

**Мурод ЖУМАЕВ,**  
«EXPRESS MAIL UNIVERSAL»  
МЧЖ директори

## АЛИМЕНТ МЕҲРНИНГ ЎРНИНИ БОСОЛМАЙДИ, АММО...

Отанинг фарзандлари олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги қонуний жавобгарликка сабаб бўлади. Аммо айрим кишилар учун гўеки бунинг фарқи йўқдек. Шунданми, алимент пулини ҳам тўламайдилар.

Каттақўрғонлик Моҳидил Сағдуллаева ҳам собиқ турмуш ўртоғи инсофга келишини кўп кутди. Лекин Комил Ҳасанов суднинг тегишли қарори билан тайинланган алиментни тўлашни пайсалга солди. Оқибатда қарздорлик 55 миллион сўмдан ошди. Уни ундириш бўйича олиб борилган савий-ҳаракатлар ҳам натижа бермади. Шундан сўнг «ота» жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани судининг 2025 йил 20 августдаги қарори билан 15 суткага қамоққа олинди.

Яқинда Моҳидил Сағдуллаева касба уюшмаларининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқиб, алиментни ундириш учун ёрдам сўради. Натижада К.Ҳасановнинг қариндошларидан даъвогар фойдасига 37 миллион 550 минг сўм алимент пули ундирилди. Айни пайтда маблағнинг қолган қисмини ундириш чоралари кўрилмоқда.

Касба уюшмаларининг ёрдами билан яна бир аёлнинг муаммоси ижобий ҳал бўлди.

**Нурилла ШАМСИЕВ**

«ISHONCH»

**Муҳаббат ТЎРАБОВА**

«ISHONCH»

# 1211

СИЗНИ ЭШИТАДИ...

Ҳазорасп тумани «Пичоқчи» маҳалласида яшовчи 52 ёшли Муборак Худойберганава болалигида соғлиғидаги муаммолар туфайли ногирон бўлиб қолган. Йиллар ўтиши билан саломатлиги янада ёмонлашиб, мустақил ҳаракатланиш имконияти чекланди. Ҳатто, оддий кундалик эҳтиёжларини ҳам бажаролмай қолди ҳисоб. Шу боис унга ногиронлик аравачаси сува ҳаводек зарур эди.

## МУБОРАКНИНГ МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛДИ

Бироқ мутасадди ташкилотлар томонидан унинг ногиронлик гуруҳини қайта кўриб чиқиш масаласи узоқ вақт давомида пайсалга солинди. Бу эса Муборак Худойберганава қонуний ижтимоий ёрдам ва имтиёزلардан фойдаланиш имкониятини чеклади.

Аёл ҳолатидан келиб чиқиб, ўзини I ногиронлик гуруҳига ўтказиш масаласида амалий ёрдам сўраб, масъулларга мурожаат қилди. Маҳалла ҳудудидаги оилавий поликлиника ходимлари унинг ҳолатини ўрганиб, соғлиғи оғирлашганини ва I гуруҳ ногиронлигига ўтказиш мақсадга мувофиқ эканини билдирган бўлса-да, тегишли табиий-ижтимоий экспертиза хизмати томонидан масала ҳал этилмади.

Шундан сўнг у Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилди.

Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқар-

маси томонидан мурожаат юзасидан қисқа муддатда ўрганиш ишлари бошланди. Ҳазорасп тумани табиёт бирлашмаси мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ Муборак Худойберганава билан суҳбат ўтказди, унинг турмуш шароити ва ҳолатини кўздан кечирди. Натижада доимий табиий назоратга муҳтожлиги тасдиқланди.

Мутахассислар ҳулосасига асосан, масала Ҳазорасп туманларо табиий-ижтимоий экспертиза комиссиясида қайта кўриб чиқилди ва Муборак Худойберганавага I гуруҳ ногиронлиги белгиланди.

Энди Муборак ногиронлик аравачаси олиш, парварishi ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш хизматларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга. Бу унинг кундалик ҳаётини енгиллаштириб, оиласи учун ҳам ёрдам бўлди.

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАР ЭКАН...

таништирилмаган. Меҳнат шартномаси бекор қилинган вақтда эса хизмат сафаридан бўлган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан Ҳ.Ғофуров ўз лавозимига тикланди. Аммо ойлари вақтида тўлаб берилмади. Ҳақини ундириш мақсадида у Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилди. Бу шикоят асосида ҳолат жойига чиқиб ўр-

ганилди ва иш берувчига тегишли тартибда тақдимнома киритилди. Натижада Ҳ.Ғофуровга 38 миллион 372 минг 172 сўм миқдорида иш ҳақи ҳамда 8 миллион 500 минг сўм маънавий зарар пули ундириб берилди.

**Ширинхон УМАРАЛИЕВА,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори

**Ҳуқуқ****Реклама ҳуқуқи асосида**

Бугунги глобаллашув даврида етказиб бериш хизматлари жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланмоқда. Айниқса, вақт ва тезкорлик устувор аҳамият касб этаётган ҳозирги шароитда курсёрлик хизматларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Анъанавий почта хизматлари ўрнини замонавий, тезкор ва ишончли логистика тизимлари эгалламоқда.

Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналиш жадид ривожланиб, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай хизмат турлари йўлга қўйилмоқда. Улардан бири EMU EXPRESS POSTA (Express Mail Universal) бўлиб, 10 йилдан буён курсёрлик хизматлари бозорида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кунда компаниямизда 500 нафардан ортиқ малакали ходим ҳамда 200 дан зиёд замонавий транспорт воситалари миқдорига хизмат кўрсатмоқда. Ҳар кун ир-тача 7000 дан ошқ жўнатмалар манзилига етказиб берилиб, хизматлар мамлакатнинг барча ҳудудини қамраб олган.

Фаолиятимизда замонавий технология-

лардан кенг фойдаланамиз. Жумладан, жўнатмаларни онлайн кузатиш тизими, автоматлаштирилган буюртма қабул қилиш, SMS ва мобил алоқа орқали хабардор қилиш хизматлари йўлга қўйилган. Бу эса миқдорларга ўз жўнатмалари ҳолатини доимий назорат қилиш имконини беради.

Компания фаолиятининг устувор йўналишларидан бири аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва ишончли қозонишдир. Шу боис жўнатмаларнинг хавфсизлиги, бутлиги ва ўз вақтида етказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир ходим маҳсул тийёргарликдан ўтган бўлиб, белгиланган стандартлар ва йўриқномалар асосида фаолият юритади.

EMU нафақат жисмоний шахслар, балки тадбиркорлик субъектлари учун ҳам ишончли ҳамкор ҳисобланади. Айниқса, интернет

савдо (электрон тижорат) соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлар учун қулай логистика ечимларини тақдир этмоқдамиз. Бу эса сотувчи ва харидор ўртасида хизмат сифатини ошириш, ўзаро ишончини мустаҳкамлаш ҳамда савдо ҳажмининг кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

«EMU – тезкорлиги ва ишончлиги билан ажралиб туради». «Жўнатмалар ўз вақтида етказилади ва доимий алоқа йўлга қўйилган». Аҳоли томонидан билдирилган бу каби фикрлар самарадорлик нечоғлиқ юқори эканини тасдиқлайди.

Компаниямиз ўз фаолиятини изчил ривожлантириб бормоқда. Келгусида янги филиаллар сонини 500 тага етказиш, транспорт воситаларини 300 тага ошириш ҳамда хизмат турларини янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.



Хизматлар лицензияланган.

Ўз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Амир Темур

СОДИҚЖОННИНГ МИНИ ТРАКТОРИ

Жиззах вилояти Бахмал тумани Новқа қишлоғида яшовчи 17 ёшли Содикжон Абдужабборов занжир ғилдиракли трактор ясашга муваффақ бўлди. Бу иш учун у 2 йил вақт сарфлади.

Ҳаммаси 14 ёшида сирдарёлик қариндошиникига ҳашарга борган пайти бошланди. Ушанда улар бир неча гектар майдонга уруғдан ундирилган пиёз кўчатларини битталаб қадаб чиқишди. Тўхтовсиз эгиллини талаб қиладиган мазкур юмуш шу даражада оғир эдики, «дод»лаб юборишига оз қолди. Камига чивин қақавериб, жонини бўғзига келтирди. Ана шу қийинчилик уни экиш жараёнини осонлаштириш устида бош қотиришга ундади.

Қишлоғига қайтган, 7 қаторли уруғ қадовчи қурилма ясади. Ускунанинг оғирлиги 20 килограмм бўлиб, уни тортиш анча ноқулай эди. Аммо кўчатни ерга битталаб экиш билан қийинчиликлардан қайтариб олишга эришилди.

Илк ихтироси муваффақиятли чиққанидан руҳланган Содикжон экин экишни янада қулайлаштириш учун митти трактор ясаш керак, деган хулосага келди. Жиянининг бу ниятидан хабар топган амакиси, ноқулай фермер Баҳодир Бобоқулов уни ортга қайтмасликка ундади: «Эплайсан, трактор ясасанг, одамларнинг ерида ишлаб, пул топасан, сенга қўлимдан келганча ёрдам бераман».

Шу тарихда 15 ёшли йигит трактор тузилишини ўргана бошлади. Уззукун механизм ва тизимларнинг жойлашувини, ёниги харажати ни қайтариш каби масалалар устида бош қотирди. Ўйларини техник чизма тарзида қозоғга туширди. Шундан сўнг юритгич сотиб олди, рама ва корпус

учун хомашени металллом йиғилдиган жойдан топди.

Пайвандлаш сир-синоатини ўзлаштиргани қўл келиб, бу борада ҳам ўзгалар ёрдамига эҳтиёж сезмади. Аммо механизм ва эҳтиёт қисмларни ўрнатишда қийналди. Муаммога техниканинг режа чизмасида тизимларни мукамал акс эттира олмагани ёки йиғиш жараёнида янги ғоялар туғилиб, қўшимчалар киритилиши сабаб бўлди.

Шу тарихда трактор рамаси ва механизмлар бир неча марта ўзгарди. Шунга яраша харажатлар ортиб борди. Ишининг охири нима билан тугашини билмагани учун ёш ихтирочининг отаси Абдурауф Бобоқулов ўғлини бу йўлдан қайтаришга қўп уринди. Аммо ўсмир фикрида қатъий туриб олди.

Ниҳоят, йигитча мақсадига эришди. Техника Сирдарё вилоятида синовдан ўтказилди. Бир ҳафтада 30 гектар майдонга пиёз уруғи қадалди. Тракторнинг нам жойда тиқилиб қолишини айтмаса, ҳаммаси жойида эди. Бу ёш ихтирочининг трактор ғилдирагини занжирлига айлантиришга ундади.

Натижада дамли ғилдираклар сонини 4 тадан 6 тага оширди. Занжир ўрнига эса резина лентадан фойдаланди. Бироқ харажатлиши жараёнида лентага ўрнатишга металл ушламалар баллонларни тешиб қўйверди. Қахрамонимизнинг айтишича, тракторни ясаётган энг қийин юмуш занжир тизимини мукамаллаштириш бўлган. Ўсмир бу масалага ҳам ечим топди.

Содикжон яратган техниканинг эни 1 метру 40 сантиметр, узунлиги 2 метрдан ошади. Оғирлиги 1 тоннадан зиёд. Юритгичи «Тисо»га, ғилдиракли «Спарк»ка тегишли, ёниги «Пропан». 9 қаторли сеялкага эга.

Трактор 1 кунда 5 гектар ерга пиёз уруғи қадайди, дейди Содикжон. — Агар ушбу юмуш қўйда бажарилса, 250

киши кун давомида бош кўтармай ишлаши керак. Бундан ташқари, ер эгаси шунча ишчига ҳақ тўлаши, овқатлантириши лозим. Трактор менга 100 миллион сўмга тушган. Агар аниқ чизмалар билан ишлаганимда, баъзи хатолар ва йўл-йўлак киритилган ўзгаришлар бўлмаганида эди, бу қиймат 60 миллион сўмни ташкил этарди. Яқинда Италияда ишлаб чиқарилган шунга ўхшаш мини-тракторни кўрдим, нархи 336 миллион сўм атрофида экан.

Айтганча, ихтиро аллақачон фойда бера бошлаган. Жумладан, бу йил қўқламда мазкур техникада 120 миллион сўм эвазига 80 гектар ерга пиёз уруғи қадалди. Агар ер эртароқ тобга келганида бу кўрсаткич янада юқори бўлиши мумкин эди. Трактордан сабзи экиш, культивация қилиш, кимёвий ўғит сепиш, пиёз ҳосилини йиғиштиришда бемалол фойдаланиш мумкин.

Содикжон Абдужабборов фақат хизмат кўрсатиш билан чеклиб қолмоқчи эмас, мини-трактор ишлаб чиқаришни қўзғайпти. Ўйни, цех очиб, ўз жамоасини тузмоқчи. Буюртмачи хоҳишига кўра, техниканинг қувват ва имкониятларини кучайтиришни, ер ва экинга ишлов беришчи агрегатлар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Ҳозирча битта тракторни 2 ойда йиғишни мўлжаллапти.

Йигитчанинг нияти қисқа муддатларда амалга ошадиган кўринад. Zero, 1-5 март кунлари Самарқандда ўтказилган халқаро қишлоқ хўжалиги техникалари кўрғазмасида Содикжоннинг тракторига 2 та компания вакиллари қизиқиш билдириб, лойиҳасини бегарас молиялаштиришга ваъда беришди. Бахмал тумани ҳокими эса ҳудудда қурилажақ технопаркдан жой ажратишга қарор қилди.

Қахрамонимиз ҳозир Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети қошидаги академик лицейда техника йўналишини

Ихтиро



таълим оляпти. Ушбу муассасани битиргач, Турин политехника университети ёки Инха университетига кирмоқчи. Шунга кўра, аниқ фанлар, инглиз тили ҳамда 3 ўлчамли чизмалар чизишни иштиёқ билан ўрганяпти. Энг асосий мақсади эса сунъий онг ёрдамида бошқариладиган тракторлар ихтиро қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариладиган корхона очилиши.

Содикжон сингари ёшлар билан мулоқот қиларкансиз, юртимизни энг илгор давлатлар қаторида кўришга оид орзуларимиз биз кутгандан-да тезроқ ушалишига ишончингиз ортади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ «ISHONCH»

Олий суд ва Бош прокуратура эътиборига!

Мурожаат



Далиллар биз томонда, ҚАРОР ЭСА...

ёхуд 14 оила тақдирини кимнинг қўлида?

Бизни 2022 йилдан буён бир масала қийнаб келяпти. У ҳақда тегишли тартибда қўп идора-ташқилотларга мурожаат қилдик, аммо фойдаси бўлмади.

Масаланинг қисқача мазмуни шундаки, Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Бойқозон» МФЙ ҳудудидаги ерларга аҳоли 2000 йиллардан буён эгалик қилиб келаётган эди. 2006 йилга келиб, шу жойларга туташ бўлган ферма сотувга қўйилди. 2022 йилга қадар аҳолини ҳеч қандай ҳужжат билан, бу орада одамлар ўзига тегишли ерларга ўй солиб, айримлари кўчиб чиқди.

2022 йилга келиб, фермернинг феъли айниб қолди. Аҳолига тегишли ерларга даъво қила бошлади. Шундан бери ҳақиқат қарор топиши учун курашиб келаямиз. Қўлимизда етарлича далил ва ҳужжатлар бор.

«Ishonch» газетаси обуначилариданман. Охириги йилларда газета саҳифаларида аҳолининг муаммолари кенг ёритилиб, ижобий ечим топаётганига гувоҳман. Шу боис умид билан таҳририятга мурожаат йўллашман. Муаммомиз газетда ёритилиб, масъуллаб эътиборига ҳавола этилса, ижобий ечим топади, деган умидданман.

Хўш, ер кимники?

Шу вақтда ушбу низоли ҳолат битта жиний, бир неча маъмурий судда кўрилди. Аммо «Сўқоқ сўт бўлоқ» фермер хўжалиги раҳбарияти талашаётган ер майдонини унга тегишли эканини тасдиқловчи биронта ҳужжат тақдим этмади, ҳисоб. Ваҳоланки, Паркент тумани «Бойқозон» МФЙ ҳудудидаги ферма аукционга қўйилган пайтдаги ҳужжатларда бино-иншоотлар жойлашган ер майдони 10,8 гектар деб кўрсатилган. Туман ҳокимининг 401-қарорига илова қилинган чизма ёки лойиҳа мавжуд эмас. Жиний суд жараёнида буни фермер хўжалиги раҳбари С.Хусановнинг ўзи ҳам тан олган. Хусусан, 2006 йилда сўт товар фермаси сотиб олинган пайтда ер майдони чегаралари аниқ кўрсатилмаганини, кадастр ҳодимларига мурожаат қилингани билан масала ҳал этилмаганини билдирган. Шунингдек, ушбу ер майдони фермер хўжалигига эмас, балки туман ер захира фондида тегишли экани Паркент тумани кадастр бўлими томонидан прокуратурага берилган маълумотномада ўз аксини топган.

6 ОЙЛИК МУДДАТ НЕГА ЎТКАЗИБ ЮБОРИЛДИ?

Хўш, агар, даъво қилинаётган ер майдони, ҳақиқатан ҳам, фермерга тегишли бўлса, у ҳолда нега ўз ҳуқуқлари бузилганини қонунда белгиланган тартибда, яъни 6 ойлик муддат ичида суд орқали ҳимоя қилмади? Фермер хўжалиги вакили бу саволдан аввалги судларда «Биз билмаган-ди», деган мумжал жавоб билан кутулиб қолган. Аммо ушбу илдоага зид бир неча ҳолат мавжуд. Биринчидан, аҳоли ушбу ерларга 2006 йилдан

буён эгалик қилиб келяпти. 2012 йилда эса, туман ҳокимининг тегишли қарори ва бошқа ҳужжатлар асосида захира ер майдони ҳисобидан бир дехқон хўжалигига 20 сотих, бир фермер хўжалигига 50 сотих ер ажратилган. Бу ҳужжатлар судга тақдим қилинган. Ерлар ўралган, дараклар экилган, бинолар қурилган. Буни қўрмаслик, билмаслик мантқиққа зид эмасми? Ҳар ҳолда фуқаролар ерға қўп йиллар мобайнида очиқ-ойдин эгалик қилиб келишган ва ҳеч қандай шикоят, уй-жой солишган.

Иккинчидан, 2015 йилда фермер хўжалиги ерлари «Ўздавлат ер лойиҳа» институтининг Тошкент вилояти бошқармаси мутахассислари иштирокида хатловдан ўтказилган. Далолатномада ер майдони 16,93 гектар, деб кайд этилган. Фермер ўша ҳужжатга ўз қўли билан имзо чеккан ва муҳр босган. Демак, ер ҳажми ўшандаёқ аниқ ва равшан бўлган.

Учинчидан, 2019 йилда туман ҳокимлиги ва МФЙ ташаббуси билан давлат бюджетни ҳисобидан 500 метр йўл асфальт қилинди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан 200 метрилик электр линияси ва 380 метрилик газ қувури тортилди. Иччиллик суви келтирилди. Бу ишларда фермер хўжалиги вакиллари ҳам бош-қош бўлишган. Ҳатто қисман ҳомийлик ҳам қилишган. Ҳа ҳолда фермернинг фуқароларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси бўлмаган.

Ширкат хўжалигини хусусийлаштириш жараёнида иштирок этган ва ер чизмаларини тайёрлаган Б.Эргашовнинг судда берган кўрсатмасига кўра, фермерга ажратилган ер майдони чегаралари аниқ белгиланган, фуқаролар уй-жой қурган ҳудуд эса, фермерга алоқадор эмас.

ДАЪВО МУДДАТИ ВА ЖИНОЙИ ИШ

Шу тарихда 10 йил ўтказиб юборилган даъво муддати Нурафшон туманлараро маъмурий суди томонидан жиний суд ҳукмига асосланиб тикланди. Ҳа ҳолда жиний ишда туман кадастр палатаси раҳбари Ф.Жўрабоев Жиний кодекснинг 207-моддаси биринчи қисми «а» бандида назарда тутилган жиний иш содир этганлигига айбланган. Аммо Жиний кодекснинг 64-моддаси биринчи қисми «а» бандига асосан, жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетгани сабабли жазо тайинланмаган.

Эътиборлиси, суд ўй-қийларни бузиш ҳақида ҳеч қандай қарор қабул қилмаган. Фақат бу ҳақда маъмурий судга мурожаат қилиш тавсия этилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, шахс ўз ҳуқуқлари бузилганини билган ёки билиши керак бўлган вақтдан бошлаб, 6 ой муддат ичида судга мурожаат қилиши шарт. Мансабдор шахснинг вазифасини билмаслиги ёки уни вақтида бажармаслиги узрли сабаб ҳисобланмайди.

ЕР, СОЛИҚ ВА РАҚАМЛАР...

Ер талашаётган фермер хўжалигининг ер майдони тегишли ҳужжатларда 248 гектар, деб кўрсатилган: 195 гектари Паркент ту-

мани Сўқоқ қишлоғида, 53 гектари эса «Бойқозон» МФЙ ҳудудида жойлашган. Аммо Тошкент вилояти солиқ бошқармасининг 2025 йил 16 июндаги 21-9265-маълумотномасига кўра, 2022 ва 2023 йилларда 243,97 гектар, 2025 йилда эса 215,66 гектар ер майдони бўйича ҳисобот тақдим этилган. Ер майдони турли йилларда турлича кўрсатилган фермер хўжалигининг ер солиғидан қарий 90 миллион сўм қарздорлиги ҳам мавжуд. Бундан ташқари, 10 гектардан зиёд ер майдони қаровсиз қолиб, тиканзорга айлангани ҳақида далолатнома тузилган.

14 ОЙЛА ТАҚДИРИ

Хозирги кунда низоли ҳудудда 14 та хонадон 4 сотихдан 10 сотихгача ерда уй-жой қураган. Айримлар 2006-2008 йиллардан буён бу жойларга эгалик қилиб келмоқда. Кимлардир ер ўзига тегишли экани ҳақида туман ҳокимининг тегишли қарори бор. 7 нафарининг уй-жой кадастр ҳужжати тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган. Улар 8-9 йилдан буён ер ва мол-мулк солигини ўз вақтида тўлаб келишмоқда. 5 та оила шу ерда муқим яшамоқда. Ҳар бирининг 3-4 нафар боласи бор. Қолганлар суд ишлари туфайли қўчи келишни кечиктиряпти.

Ферма хусусийлаштирилганига 20 йил бўлди. Лексин ер майдони ўралмаган, қаровсиз қолиб кетган. Бу ердан 200-300 нафар ўқувчи мактабга қатнайдди.

ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР ЭМАСМИ?

Хўш, 20 йил давомида ердан самарали фойдаланилмаган, қарздорлик юзага келган, даъво муддати ўтказиб юборилган бўлса-да, булар инобатга олинмай, бир томоннинг манфаати ҳимоя қилинишини қандай ўзлаш мумкин? Аслида туман ҳокимлиги фермер ва фуқаролар ўртасидаги низоли ижобий ҳал қилиши керак эмасми? Фермер ўз мажбуриятларини қий даражада бажарди? Давлат қанча сўт махсулотлари ёки ғўшт топишди? Ахир, у ерни олаётган пайтда зиммасига бир қатор мажбуриятларни олган-ку! Нима учун туман прокуратураси мана шу ҳолатларни ҳолислик билан, қонуний тартибда ўрганиб қимқаяпти?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев инсон қадрини улуғлаш, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш шарт-шароитларини яхшилаш заруригини бот-бот таъкидлаб, адолатли фармон ва қарорлар чиқармоқда. Хусусан, 2018 йил 20 апрелда давлатимиз раҳбарининг «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ҳужжат доирасида минглаб кадастр ҳужжати йўқ уй-жойлар эътироф этилиб, уларга эгалик ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан 2024 йил 9 апрелда Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбошимчилик билан эгалик олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Мамлакатимизда инсонпарварлик тамойили асосида мана шундай ишлар олиб борилаётган бир пайтда фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тикловмай, идорама-идора, судма-суд сарсон-саргардон юриши адолатданми?

Биз, яъни «Бойқозон» МФЙда яшовчи бир гуруҳ фуқаролар масъулардан бизни 4-5 йилдан бери қийнаб келаётган мазкур масалага эътибор қаратишни, ҳақиқий ҳолатни ҳолислик билан, инсон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиб, аҳолининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашини сўраб қоламиз.

Zero, адолат фақат қозоғда эмас, инсон тақдирда ҳам намоён бўлиши керак!

Раҳматилла МУЗАФФАРОВ Паркент тумани

ТАҲРИРИЯТДАН: Фуқаронинг мурожаати шундайлигича мутасаддилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, унда кўтарилган муаммо доллар бўлиб, жиддий ўрганишни тақозо этади. Zero, гап қўллаб ойналар, инсонлар тақдирини ҳақида бормоқда. Мазкур масала юзасидан таҳририят мазасу идора ва ташқилотларга ҳам минбар берилган.

Таҳлил

КИРАКАШЛАР РОСТДАН ИНСОФСИЗМИ?..

Ҳар доим шундай ҳолат такрорланади: байрамлар вақтида кетма-кет кунлик дам олиш даврида вилоятлараро қатновчи такси нархлари 2 баробаргача ошиб кетади. Бу эса кўпчиликни, айниқса, талабаларни ноқулай ҳолатда қолдиради. Бироқ таксичиларни танқид қилишдан аввал танганинг иккинчи томони ҳам қараш лозим. Хусусан, ҳайдовчилар байрам кунларидаги баланд нархлардан катта фойда кўрмайдилар. Қўйида фикримизни тушунтирамиз.

Биринчидан, масалан, Тошкент-водий ёки Тошкент-воҳа йўналишларини кўриб чиқайлик. Уша дамларда йўлқира нархи 2-3 баробар кўтарилиши аниқ. Лексин эътибор беринг, фақат бир томонга, яъни пойтахтдан вилоятга. Вилоятдан пойтахтга эса ҳайдовчи дерири бўш келади. Яъни умумий фойда ҳеч қандай ўзгармайди. Ҳайит ёки бошқа катта байрам арафасида кимлар оммавий равишда Тошкентга келади, дейсиз? Бир-иккита шошилинч иши бор одамларни айтмаса, ҳеч қим. Байрамлар тугаб, ҳамма пойтахтга қараб интилаганда ҳам худди шу манзара кузатилади, яъни ҳамма Тошкентга қараб йўлга чиқади, киракашлар эса яна бўш машина билан ортга қайтишга мажбур, одам топишга жуда қийналади.

Иккинчидан, сўнгги 15 йилда Ўзбекистон аҳолиси жуда катта тегишли бўлиб кетди. Шу билан бирга, жуда катта миқдорда ишга лаёқатли аҳоли вуқудга келди. Уларнинг ақсариётида хусусий машина бор. Яъни йўллар илгаридек эркин ва қулай эмас. Аввал кузатилмаган тирбандликлар, ноқулайликлар пайдо бўлмоқда. Масалан, олиндинги Тошкентдан Самарқандга 3-4 соатда кириб борган киши, ҳозир қамидга 5-6 соат вақт сарфламоқда. Радар ёки камераларни айтмаса ҳам бўлади. Сизу биз ёзғираётган байрам кунларида марказий йўлларда жуда катта тирбандликлар кузатилади. Одатда 5 соат кетадиган йўлда салкам 9 соатлаб юрилади. Ҳайдовчи икки баробар кўп вақт ва кўч йўқотади. Пулли йўллар эса ҳали ишга туширилгани йўқ. Бунинг ҳисобига олиш лозим.

Яна йил сайин ошиб бораётган жарималар ҳам муҳим омилга айланди. Ўзбекистонда жарималар энг ҳам иш ҳақига бораёлаб қўйилган. Агар ойликлар опиши борасида қарор чиқса, шунга монанд жарималар ҳам қимматлайди (эътибор беринг, ҳайдовчилар ойлик маошга эмас, кунлик даромадга ишлайди, холос). Масалан, 2025 йил 1 августдан ойлик маошлар опиши белгиланган бўлса, БҲМ миқдори 375 минг сўмдан 412 минг сўмга кўтарилди. Ҳужжатсиз юрганлик учун жарима 412 минг, маст ҳолатда автомобилни бошқариш жаримаси эса 10,3 млн. сўмгача етди (уч йил автомобиль бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолатда). Албатта, қоидабузарликларни оқламоқчи эмасиз, аммо бу ҳам танганининг бир томони саналади.

Тошкент – Қашқадарё йўналишини қатновчи бир укамизнинг сўзига кўра, байрамларда нархнинг кескин опиши ҳайдовчилар учун нафақат фойда эмас, балки зарар хамдир. «Бизга ҳар доим бир хил нарх, икки томонга ҳам йўловчи бўлгани яхши. Масалан, Қашқадарёдан Тошкентга бўш бориб, у ерда сизни нима кутаётганини билмайсиз. Байрам кунлари катта босим, тирбандлик ва бошқа муаммолар бўлади, оила даврасидан узоқда, тирикчилик дардида юрамиз», дейди у.

Ёниги масаласини ҳам инобатга олма-сак хато бўлади.

Афсуски, метан газ ва «заправка»лар масаласи йилдан йилга оғирлашиб бормоқда. Ўзбекистонда бензинда узоқ йўлларга қатнов иқтисодий жиҳатдан деярли фойда келтирмайди. Шу сабабли кўпчилик метан заправкаларга мурожаат қилишга мажбур.

Эътибор беринг: бу йил ҳатто март ойининг ўртасига келиб ҳам заправкалар ёпиқ бўлди ёки тўлиқ ишламади. Энергетика вазирлиги баёнотида кўра, заправкалар фақат Наврўз арафасига келибгина тўлиқ ишлаб бошлади. Ҳайдовчилар орасида эса метан ололмай, бензин ишлатиш ҳолатлари ҳам кўп учради. Қиммат ёниги ишлатган ҳайдовчидан арзон хизмат қутиб бўлмаслиги эса ҳаммага кундек равшан.

Асосий омиллардан яна бири – таксичиларнинг иқтисодий ҳолати. Агар реал ҳисоб-китоб қилинса, оддий таксичи бир кунда қўпи билан 300-400 минг сўм даромад қилиши мумкин (катта жаримага тушмаса, автомобилни бузилмаса ва бошқа фавақулда ҳолатлар кузатилмаса). Бу пулга нари борса битта оиланинг қозони қайнаши мумкин, катта нарса орттирилмайди. Яъни ҳайдовчи нархлар осмонга чиққан шароитда ҳам бойиб кета олмайди. Одатий шароитда унинг даромади ўртача тирикчилик учун етати, холос.

Киракашлар мавзусида гапирар эканмиз, бошқа транспортларнинг қимматлигига тўхталмасак бўлмайди. Масалан, поезд. Сўнгги йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» нархларини узлуксиз ошириб бормоқда. Масалан, 2026 йил 1 февралдан нархлар ошди. Унга кўра, «Афросиё» поезидида Тошкентдан Самарқандга энг арзон билет нархи 311 минг сўмни ташкил этади. Шундай билат Қаршига 429 минг сўм, Бухорога эса 509 минг сўм. Маълумот учун, 2022 йилда Бухорога билет 103 минг сўмга олинди. Тўрт йилда беш баробар ўсиш!

Ҳаво транспортини масаласи ҳам шундай. Биринчидан, вилоятларда самолёт билет бўйича танлов кам. Демак, бундай вазиятда энг арзон ва қулай транспорт воситаси такси бўлиб қолаверади. Темирйўл ва ҳаво транспортини ҳамёнбоп ва қулай бўлмас экан, таксилар нархида мўътадиллик ва барқарорликни куттиш хато.

Хўш, вазиятни бир қадар юмшатиш учун нималар қилиш керак? Бизнингча, темирйўл ва авиакомпаниялар вазиятдан унумли фойдаланиши зарур. Бугунги бозор иқтисодиётида улар йўловчиларга жозибали таксиф билан чиқиши лозим. Агар таксиф кўпайса, таксиларга ҳам юклама камаяди ва вазият нормалашади. Яқинда Шахрисабзга Афросиё поезидида ҳафтада уч марта қатнаши бўйича маълумот берилди. Мана шу каби янгиликларни қўлайтириш мақсадга мувофиқ. Байрамларда талабаларга кўрқмасдан катта чеғирмалар беравериш керак. Чунки талабалар энг кўп мижозлар саналади.

Яна бир ечим шуки, бугун кўпчиликда хусусий автомобиллар бор. Улар баъзан ёлғиз ёки 1-2 киши билан вилоятга йўл олиши мумкин. Шундай вазиятда қўшимча одам олиш ҳам бошқаларга, ҳам ўша одамнинг ўзининг чўнтагига фойда. Халқ тилида бу «попутти» дейилади. Агар бир муаммони ечишга астойдил бел боғласа, уни ҳал қилиш имкони бўлади, албатта. Сиз нима дейсиз?

Аброр ЗОҲИДОВ «ISHONCH»

Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур.

Махмудхўжа Бехбудий

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ МАДАНИЙ ҲОДИСА



**Қўлиқтайёқли Икром – жангу жадал жафолари билан ногирон ҳолда қишлоғига қайтган ҳорғин ва толиққан аскар. У – минглаб ўзбек оилаларига уруш келтирган азоб-уқубат тимсоли. Икром ашайдиган қишлоқ аҳли ҳам бесаранжом. Аскарни тоғаси – маҳалла оқсоқоли Низом ота қарши олади...**

**ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ – АМАЛДА!**  
Жорий йилнинг 31 январь куни Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон давлат драма театрида ҳудди шундай саҳна кўриниши билан бошланади. Томоша залида бўш ўрин йўқ. Бу «Одамлар ҳозир театрга тўшмай қўйди», деган фикр асосини эканлигини кўрсатади. Спектаклни мароқ билан томоша қилаётган санъат шинавандалари тез-тез қарсақ чалишарди. Демак, юртимизда театр санъати янгилаётган маданий ҳодисага айлиниб, замондошларимиз тафаккур тарзида юксалиш, саҳна асарини баҳолаш, таҳлил қилиш кўникмаси шаклланиб бормоқда. Театр ижодий жамоаси Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад трилогияси асосида «Уфқ» спектаклини яратдики, бу бутун инсоният учун долзарб бўлган тинчлик ғоясини улуглаши, уруш воқеалигини жонли саҳнада қоралаш билан эътирофга молик, албатта.

Дарҳақиқат, маданият воситалари, санъат

турларисиз жамият тараққиётига йўл йўқ. Айниқса, театр санъати ҳаёт саҳнаси эканлиги билан ўз ўрни ва мавқеига эга. Президентимизнинг 2024 йил 22 ноябрда қабул қилинган «Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва уларнинг фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори давлат аҳамиятига молик ҳужжат сифатида соҳани янги босқичга кўтариш даврини бошлаб берди. Унда ўзбек театр санъатини ривожлантириш учун ижодий жараённи ислоҳ қилишдан тортиб, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, кадрлар сўёсатини янги босқичга олиб чиқиш, халқро ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш масалаларига ҳам қамраб олинган.

– Мамлакатимизда 41 та давлат театри мавжуд. Аҳолиси 38 миллион кишига етган Ўзбекистон учун бу камлик қилиши инобатга олинди, охириги йилларда 4 та янги театр ташкил этилди, 3 та театр учун замонавий бино қурилиб, фойдаланишига топширилди, – дейди Маданият вазирлигининг Театр, цирк санъати ва кинематография соҳаси фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси Турсунбой Файзуллоева. – 2030 йилга қадар барча театр биноларини босқичма-босқич реконструкция қилиш режалаштирилган. Давлат театрларининг транспорт воситаси билан таъминланиши, хорижий давлатларга кўпроқ астроллар уюштирилиши, молиявий эркинлик берилиши уларни излашишга, янги-янги спектакллар яратишга ундамоқда.

Театр репертуарини бойитиш ва янгилаб туриш ҳамisha биринчи талаб бўлган. 2025 йилда республикамиз театрларида 173 та янги спектакль саҳналаштирилди. Уларнинг 13 таси тарихий, 75 таси миллий ва замонавий мавзуда, 85 таси эса жаҳон драматургиясининг сара намуналари бўлиб, миллий қаҳрамон, аллома ва саркардалар образини яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. 2025-2030 йиллар учун буюқ тарихий шахсларнинг ибратли ҳаёти ва ижоди, уларнинг болалиги ва ёшлигини ифодаловчи саҳна асарлари режа-жад-

вали тасдиқланиб, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобурнинг болалик ва ўсмирлик даври гавдалантирилган спектакллари яратиш мўлжалланган. Шунингдек, «Инсон қадри учун» эзуу ғояси асосида вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда таъсирчан, долзарб асарларни саҳналаштириш мақсад қилинган. Вазирлик тизимидаги давлат театрлари томонидан жорий йил давомида томошалар эътиборига 160 та янги асарни ҳавола этиш белгиланган. Бу билан театр нафақат маданий, балки матрийдий вазифани ҳам адо этиши табиий. Сўнгги йилларда давлат буюртмаси билан Ўзбекистон давлат драма театрида қўйилган «Ишлагандай бўлайлик», Андижон вилояти мусиқали драма театрида «Мирзо Улугбек», Наманган вилояти мусиқали драма театрида «Усмон Носир», Фарғона вилояти мусиқали драма театрида «Шоҳ Эдип», Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида саҳналаштирилган «Лайли ва Мажнун» спектаклларидаги янгича ижодий ёндашув саҳна асарлари савияси тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

**«НИГОХ»НИНГ НИГОҲИ**  
Пьеса ўз-ўзидан спектаклга айланиб қолмайди. Унинг ортда кўп сонли ижодий жамоанинг машаққатли меҳнати бор. Юртимиздаги барча театрларда ижодий рақобат муҳитини яхшилаш, томошабин қамровини ошириш, таъсирли, ҳаётий спектакллари саҳналаштириш, халқро майдонда эътирофга сазовор бўлиш талаблари биринчи ўринга қўйилмоқда. Ана шу мақсадда Маданият вазирлиги, Ёзувчилар, Композиторлар ва Бастакорлар уюшмалари, Вадий академия ҳамда «Нигох» нодавлат ноҳижорат ташкилоти ҳамкорлигида ёш режиссёр, драматург, композитор ва рассомлар ижодини баҳолаш бўйича ҳар икки йилда бир марта кўрик-танлов ўтказилмоқда.

– Ушбу тадбир ўтган йили иккинчи бор ўтказилди, – дейди Маданият вазирлиги маъсул ходими Саида Дадамидова. – 47 нафар соҳа мутахассисидан 11 нафари болалик кенгаши аъзолари бўлса, қолган иштирокчилар ўз ижод маҳсулини тақдим этган жамоалар эди. Албатта, улар орасидан энг саралари ўзининг муносиб

бахосини олди. Тадбирни йил оралатиб ўтказиш зарурати шундаки, илгари драматург, режиссёр, композитор, рассом ўртасида ижодий ҳамкорлик учун даврада мустақам бўлмаган. Аслида, тўрт ижодкор бақамти, ҳамжихат бўлиб ишлаганина, пьеса мазмуни, таъсирчан, тарбиявий руҳдаги спектаклга айланади. «Нигох» ижодий лойиҳаси ана шу тўрт йўналишини бирлаштирди. Соҳанинг етуқ «пир»лари, яъни театршўнос, санъатшўнос, драматург, режиссёр, бастакор ва рассомлар турли йўналишда ижод қилиб келаётган ёш мутахассислар билан маҳорат дарслари, ижодий учрашув ва кўргазмалар ташкил этиб, уларнинг билим доираси ва малакасини ошириб боришмоқда.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир гуруҳ томонидан тайёрланган асарни диққат билан қузатиб, аввало, ютуғи нимадалиги, қанча камчиликларга йўл қўйилгани нуктаи назардан баҳо берадилар. «Нигох» лойиҳаси низомига кўра, долзарб аҳамият касб етувчи ўндан зиёд мавзу белгилаб берилган.

**ЎҚУВ ТЕАТРИДА СПЕКТАКЛЬ ЯРАТИЛАДИ**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессионал таълим соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган, битирувчиларга таълимнинг бақалаврият ва магистратура босқичи бўйича диплом берадиган нуфузли олий ўқув юртларидан бири. Муассасанинг театр санъати факультетида актёрлик маҳоратини тўққизи йўналиш бўйича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўққиз эгаллаш учун барча имкониятлар яратилган. Хусусан, институт қоқ марказида қад ростилаган ўқув театри биносини рамзий маънода «туғуруқхона» дейишади. Чунки бу ерда пьесани спектаклга айлантиришдек мураккаб жараён кечади, яъни саҳна асари «туғилади». Ким нимага қодир, ролни ким, қандай ижро этади? Ўқув театрининг мухташам залида санъат ва маданият оламига кириб келаётган ёшлар кашф этилиб, истеъдоди чархланади.

## Санъат

– Ижодий имтиҳон ва тест синовларидан ўтиб биринчи курсга қабул қилинган талабани етуқ кадрга айлантириш жуда мураккаб жараён, – дейди ушбу ўқув театри раҳбари Нурулло Усмонов. – Тўғри, унда Аллоҳ «юқтирган» истеъод учкунлари бордир. Аммо бу билан у қойилмақом роль ўйнайдиган актёр бўлмайди. Кундузги бўлимда тахсил олаётган талабаларни ҳар томонлама малакали кадр қилиб тарбиялаш учун ўқув театрининг барча имкониятларга эга. Талабалар бу ерда бўзчининг моқисидек қатнайдди. Зеро, бўлғуси актёр бу жойда илк қадамини ташлайди, спектакль яратиш жараёни ичига қиради. Февраль ойидан

Ўзбекистон давлат драма театрида қўйилган «Ишлагандай бўлайлик», Андижон вилояти мусиқали драма театрида «Мирзо Улугбек», Наманган вилояти мусиқали драма театрида «Усмон Носир», Фарғона вилояти мусиқали драма театрида «Шоҳ Эдип», Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида саҳналаштирилган «Лайли ва Мажнун» спектаклларидаги янгича ижодий ёндашув саҳна асарлари савияси тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

майгача бу ерда учинчи, тўртинчи босқич талабаларининг диплом спектакллари синовдан ўтказилади. Тан олиш керак, актёр бўлиш орзусида ёниб юрган илгит-қизларнинг касбий салоҳияти шу касбни муқамал эгаллаган актёрликдан деярли қилинмайди. Улар ўзига юқлатилган ролни ёниб ижро этишади, иштиёқ кучли. 10 кишидан иборат бадий кенгаш спектаклнинг сингисига «чигирик»дан ўтказилади. Кенгаш таркибиде драматург, рассом, композитор, либос устаси, институти ректорати вакиллари бор. Уларнинг ҳар бири спектаклни баҳолайди, эътирозли ўринлари бўлса, кўрсатади. «Турондот», «Аршин-мал-алан» спектакллари Россия ва Озарбайжонда ўтказилган талаба-ёшлар фестивалида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ўзбек театри санъати катта тарихий йўлни бошиб ўтган. Халқимиз ўтмишини, бугунги турмуш тарзини ҳаётий, залворли спектакллар орқали намойиш этиб келмоқда. Аҳолининг кун сайин ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириб келаётган санъат тури Янги Ўзбекистон халқи ҳаётида улкан маданий ҳодиса бўлмоқда.

**Хўлжар Тўйманова,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

## Бугуннинг гапи

# ЯШАШ УЧУН ВАҚТ БОР, ФАҚАТ...

Бугунги дунё доимий ҳаракат ва ахборот оқими билан тўла. Кўпчилик кун давомида иш, оила, ижтимоий тармоқлар орасида югуради ва кечки пайтда фақат битта савол қаршисида қолади: «Бугун нимани уйдаладим?». Кўпинча бу саволга ижобий жавоб йўқ. Чунки инсон ортиқча юқлар, эътиборсиз сарфланган вақт ва муҳим бўлмаган фикрлар оқими туфайли ҳақиқий имкониятларни қўлдан бой беради. Бу нафақат руҳий, балки жисмоний соғлиққа ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ким билан гаплашманг, вақт шиддат билан ўтиб кетаётгани, бир йил олдин бўлиб ўтган воқеа куни кеча рўй берадиган бўлаётгани ҳақида айтади. Дарҳақиқат, кўпчилик хотиржамлигини йўқотгандек, реал ҳаёт билан онлайн олам ўртасида асосатда қолиб кетгандек, елкасини нимадир босаётгандек... Бундай пайтда ҳаётни енгиллаштириш, диққат ва энергияни тежашнинг энг самарали йўли ортиқча буюмлар, фикрлар, ташвишлардан воз кечишдир. Кунлик таомда туз ва шакар миқдорини назорат қилиш, кўп оқиб истеъмол қилмаслик танана енгиллик, руҳга хотиржамлик берганидек, уйда йиғилган қичкина моддий ашёлар ҳам руҳга босим ўтказиши. Ортиқсидан халос бўлиш нафақат ўйни, балки фикрни ҳам тозалайди.

Ҳаёт оқар сувдек тез, шиддатли ва улзуксиз ҳаракатда. Уни қайта тиклаш мумкин эмас. Бугунни эртага топиб бўлмайди, деганларидек аслида энг қиммат нарса вақт ва диққатдир. Уларни қандай сарфлаётганимиз бизнинг узоқ эмас, аксинча, мазмуни яшашимизни белгилайди. Вақтни муҳим ишларга йўналтирсак, масалан, оила, мутолаа, спорт, шахсий ривожланиш – ҳаётимизда самарадорлик, хотиржамлик сезиларли даражада ошади. Ижтимоий тармоқлар, кечик хабарлар, видеолар, соатлаб телефонни титкилиб ўтказган кунлар эса стресс ва зўриқши ҳиссини оширади, энергияни камайтиради. Шу боис интернет ва телефондан баъзи-баъзида йироқлашиш шарт.

– Кўпчилик стресс, хотиржамликни йўқотишга нима сабаб бўлиши ҳақида сўрайди, – дейди психолог Шоира Исакова. – Глобаллашув, тараққиёт даврига ўтдик. Унинг ўзига хос ва мос талаблари бор. Яъни инсон ҳаётга мослашини учун шахсий ривожланиш илмини эгаллаши керак. Бу стрессга тушмаслик, имконият, кўч-қувват, диққатни тўғри тақсимот қилишга ёрдам беради. Кўпчиликда кун тартиби йўқ. Эски онг ва эски қарашлар – стереотипларимиз ҳали ҳам ўша-ўша. Гапни «Бизнинг давримизда», «Биз яшаган пайтда», деб бошлашади. Улар замон, макон, ўзгаришлар

ҳеч қачон битта нуктада тўхтаб қолмаслиги, ҳар доим ривожланиш бўлишини ҳали ҳам англашмаган. Мослашишга ўрганиши, тасаввурдаги оламдан чиқиб, реал ҳаётдаги ижтимоий ролларини бажариши лозим.

Стресс имкониятимиздан кўра кўпроқ муаммоларни зим-мазимга олганимиз, сабр қила олмаслигимиз, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар устида ишламаганимиздан келиб чиқади. Агар китоб ўқиб миямиз мағзини бу ҳақдаги билимларга тўлдирсак, уни бошқара оламиз. Акси бўлса, таъсиринга тушамиз.

Инсон бировлар билан ўзини солиштириб, асл ҳаёт стратегиясини йўқотиб қўяди. Менинг кун тартибим бошқаникига, уники меникига, кўрган уйимиз қўшиникига ўхшамаслиги табиий ҳол. Киши илми, тажрибаси билан ўз ҳаётини қуради. Мана шу жараёнларда беҳаловатлик келиб чиқади. «Бўлар зўр бўлиб кетди, мен бўлмайман», «Улар муваффақиятга эришди, мен эришолмайман», деган қараш соғлом фикрнинг йўқлигидан. Шунинг учун ҳар қандай шароитда соғлом фикрлашни сақлаб қолиш керак.

Молиявий саводхонлигимизни ҳам қўриб чиқишимиз лозим. Топаётган даромадимиздан ҳаражатимиз кўпроқ бўлса, табиий ҳолки, стрессга тушамиз. Кўп оилаларни кузатамиз, бой бўлиш истаги кучли. Кредитга телевизор, музлаткич, кир ювиш машинаси, совуқчи каби маийший техникалар харид қилади-да, кейин тўлолмасдан қийналади.


Аввало, рўзгор учун энг муҳимини олиш, кейин бошқа масалани кун тартибига қўйиш мумкин.

Ижтимоий муаммолар ҳар доим бўлган. Агар уларнинг биттасига ечим топишга ҳаракат қиладиган бўлсак, бошқасига йўл топилади. Бу билан ўзимизда тажриба пайдо қиламиз, сўнг натижасини қўришни бошлаймиз. Уларнинг ичида ўралашадиган бўлсак, шахсий ҳаётимиз, оиладаги ўрнимиз, жамиятдаги ижтимоий ролларимизни тўғри, сифатли ва самарали бажара олаемиз.

Кўпчилик ҳамма нарсани назорат қилишга ва ўз ҳақиқатини бошқаларга исботлашга уринади. Аммо барчаси ҳаётнинг табиий ритмида йўлини топади. Бефойда нолишлар, арзлар ва ички изтироблар инсонни эркин яшайдан тўсади. Улардан халос бўлиш ҳаётни енгиллаштиришда асосий қадамдир. Уйни тартибга солиш, фақат зарур буюмларни сақлаш, қичкина, лекин муҳим ишларни бажариш, фарзандларга кўпроқ вақт ажратиш ҳам турмуш сифати ва фаровонлигини оширади.

Инсон вақти ва энергиясини шахсий ривожланиши, янги билимлар олиш, спорт ва ижодга қаратса, ўзлигини топиб, хотиржамликка эришади. Бунга қичик, бироқ аҳамиятли қарор-қарорлар қилиш керак. Инсон вақти ва энергиясини шахсий ривожланиши, янги мақсадларни олдига қўйиш оддий ҳаракатлар, лекин натижаси катта. Бу ҳаётнинг ҳар бир палласини тўлақонли ҳис этишга ёрдам беради.

– Кўпинча одам ўзидаги бўшлиқларни ижтимоий тармоқлардан топишга ҳаракат қилади, – дейди шу ҳақдаги



**Мароқли дам олинг, азиз газетхон!** **Фаттоҳон Мамадалиев ижросида «ЭТМАСМИДИМ» ҚЎШИҒИ** **Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмасмидим? Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмасмидим?** **Фузूलий газели**

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:  
**Qudratilla RAFIQOV**  
(tahrir hay'ati raisi)  
Ulug'bek JALMENOVA, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullah AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'UYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – ishonch), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – ishonch-Доверие)  
Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Millyi-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73  
**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27  
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Salim ABDURAHMONOV  
**Musahhihlar:**  
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Ulida XUDOYBERGANOVA  
**Sahifalovchi:**  
Hasan ABDULLILOV  
Bo'shishga topshirish vaqti – 01:40  
Toshirishi – 01:20  
**Bahosi kelishilgan narxda**  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
**E-mail:**  
ishonch1991@yandex.uz  
**Nashr ko'rsatkichi: 133**  
**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun ubunani tasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 35 230 ta**  
**Shundan: 6 588 nusxasi**  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – **Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;**  
**19 211 nusxasi**  
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – **Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**  
**9 201 nusxasi**  
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – **Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uйда chop etildi.**  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma tabloq. **Buyurtma: G-411**  
1 2 3 4 5 6